

Ғалаба нашидаси

✘ 2019 йил 10 февраль куни “Спорт бизни бирлаштиради” шиори остида, “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультетининг “Ёшлар билан ишлаш” бўйича декан ўринбосари ҳамда “Ёшлар иттифоқи” етакчиси ташаббуси билан факультетнинг барча талаба-ёшлари ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича мини-футбол бўйича “Декан кубоги” мусобақаси ўтказилди.

Мазкур мусобақани факультет декани Б.Норов томонидан кўтаринки руҳда очиб бердилар. Мусобақада жами 180 нафар, 18 та гуруҳ терма жамоалари фаол иштирок этиб, мурасасиз беллашув бўлиб ўтди. Мусобақа сермазмун ва самарали ўтказилди.

Ушбу беллашув якунида ғолиб жамоаларни факультет раҳбарияти томонидан диплом, кубог ҳамда эсталик совғалар билан муносиб тақдирландилар. Турнир якуни бўйича: 1-ўринни ХФХ 209- гуруҳ терма жамоаси эгаллаб гуруҳлар ўртасида тенгсиз деб топилди. 2-ўрин ХФХ 309- гуруҳ терма жамоасига насиб этди. Фахрли 3-ўринни СХМИМ 302- гуруҳ терма жамоаси эгаллади.

“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси мудири М.Норқобилов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов